

Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша

Ўз ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек енг улуғ ва олижаноб ишга бағишилаган сиз, азизларни, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил етилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод етамиз. Ушбу қутлуғ айёмда барчамиз аввало, ўз жанговар постида доимо ҳушёр ва сергак туриб, юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб келаётган мард ва жасур, содиқ ўғлонларимизни, фидойи ота-боболаримизни, ҳақиқий ватанпарвар инсонларни шарафлаб, уларнинг шаънига енг езгу тилакларимизни изҳор етамиз.



Букилмас иРОДА ва жасорат намунасини амалда намоён етиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг хар томонлама равнақ топиши, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларнинг муқаддас хотирасини ёд етиб, езгу ишларини давом еттириш, сафимизда юрган кексаларни езозлаш – одамийликнинг енг олий мезони ва бизга тинчлик, омонлик керак, деб яшайдиган бағрикенг ва олижаноб халқимизга хос азалий қадриятдир. Халқимиз азалдан ўлкамизни босқинчилардан ҳимоя қилган, унинг еркинлиги, мустақиллиги ва дахлсизлиги учун курашган қаҳрамонларини еъзозлаб келмоқда.



Шу ўринда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти Гидромелиорация факултети декани Алишер Фатхуллойев, "Гидравлика ва гидроинформатика" кафедраси мудири Айбек Арифжонов, "Професионал таълим ва жисмоний маданият" кафедра мудири Зухра Исмоилова ҳамда декан ўринбосарлари томонидан 14-январ "Ватан ҳимоячилари" куни муносабати билан Лашкарбеки маҳалласида истиқомат қиласиган Абдуллажон Артикбайевдан хабар олинди. Мехнат фахрийсига "Гидромелиоция" факултети раҳбарияти томонидан совғалар берилди. Уруш фахрийси Институт томонидан кўрсатилган бундай еътибордан хурсанд ва ўз миннатдорчилигини изҳор етди.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати